



## ХУДУДЛАРДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Тоштемиров Гулшанбек Шавкатжонович**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактабининг тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10940031>

### **Аннотация**

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича сўнги йилларда қилинаётган ишлар ва ишлаб чиқиляётган қарор ва фармонлар келтирилган. Сўнги ишлаб чиқилган ва тасдиқланган қарор ва фармонларда жорий этиляётган вазифалар ва имкониятлар ёрдамида ҳудудларни олиб бориляётган самарали ишлар баён этилган.

**Калит сўз:** аҳоли бандлиги, бандлик, камбағаллик, ишсизлик, аҳоли даромади, бандлик хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 февралдаги ПҚ-69-сонли “Қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори имзоланди. Ушбу қарорда амалга ошириляётган ислохотларни изчил давом эттириш, ердан оқилона фойдаланиш ва кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларини қуришни ҳамда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини кенгайтиришни солиқ юкини пасайтириш ҳисобига рағбатлантириш мақсад қилиб олинди ва 2023 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 майга қадар эксперимент тариқасида республика бюджетидан пахта ва (ёки) ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига уларнинг ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя қилинганда қайтариб бериш тартиби жорий этилди: қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ҳар бир гектар ер учун ойига камида бир нафар ишчининг бандлиги таъминланганда; ҳар бир нафар ишчи учун ойига меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда белгиланганда; пахта ва (ёки) ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги ўтган йил якуни бўйича Солиқ кодексининг 57-моддаси талабларига жавоб берганда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 февралдаги ПҚ-69-сонли “Қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги ПҚ-66-сонли “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори имзоланди. Ушбу қарорга кўра Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд табиий хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларини жадал ривожлантириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, тадбиркорлик ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини ошириш мақсад қилиб олинган.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида 2024 йилда аҳолининг доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларда бандлигини таъминлаш йиғма мақсадли кўрсаткичлари<sup>2</sup>

Table with 7 columns: T/p, Худудлар номи, Жами, Соҳалар кесимида: инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш, хисобига курсатиш ва тадбиркорлик и ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида, қурилиш соҳасида. Rows include summary 'Жами' and 11 districts like Нукус шаҳри, Амударё тумани, etc.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги ПҚ-66-сонли “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори





12.	Тахтакўпир тумани	3 607	49	917	2 589	52
13.	Тўрткўл тумани	16 202	1 650	4 763	9 369	420
14.	Хўжайли тумани	5 784	201	3 042	2 355	186
15.	Чимбой тумани	5 479	394	1 574	3 325	186
16.	Шуманай тумани	4 322	845	1 127	2 270	80
17.	Элликқалъа тумани	12 783	506	3 544	8 356	377

Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд табиий хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларини жадал ривожлантириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, тадбиркорлик ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини ошириш мақсад қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги ПФ-199-сонли “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди<sup>3</sup>. Ушбу Фармонда 2024 йилда ўрмон фондининг 1,5 минг гектар ер майдонларида касаначилик асосида кўчат етиштириш ишларини йўлга қўйиш орқали камида 10 минг нафар аҳоли бандлиги таъминлаш режаси қўйилган.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан икки баробар, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш белгиланган. Камбағалликка тушиш хавфи мавжуд бўлган 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш, ижтимоий шериклик асосида 500 минг малакали мутахассис тайёрлаш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифлари давомида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, 2024-йилнинг 15-16 февраль кунлари Андижонга амалга оширилган ташриф давомида вилоят аҳолиси бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳолати ва сифати билан яқиндан танишди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, олдинги ташрифлар давомида белгилаб берилган вазифа ва чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида вилоятда ишсизлик даражаси 7 фоизга камайган. Аҳолининг тадбиркорликдан олаётган даромади 1,5 бараварга ошиб, 225 минг аҳоли ўзини ўзи банд қилган.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги ПФ-199-сонли “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони





ITALY

# SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

Аммо Адиджон вилоятининг мард ва олижаноб, меҳнаткаш аҳолиси салоҳияти ҳамда ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳисобга олинса, янада юқори марраларга эришиш, ишсизлик давражасини батамом бартараф этиш имкониятлари мавжуд. Шу боис ташриф давомида Президентимиз томонидан вилоятдаги 400 минг аҳолини камбағалликдан олиб чиқиш, битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш йўналишда қилиниши лозим бўлган галдаги вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, ишсиз аҳоли ва ёшлар касб-ҳунарга ўқитилади ҳамда Хитой тажрибаси асосида маҳаллалар четида иссиқхоналар ташкил этилиб, эҳтиёжманд оилаларга бўлиб берилади.

Маълумки, Адиджон вилояти нафақат мамлакатимизда, балки минтақа давлатлари орасида ҳам автомобилсозлик соҳасида етакчи ҳисобланади. Айни кунда вилоятда автомобилсозлик йўналишида 12 та йирик ва 160 дан ортиқ маҳаллий корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда 17 минг аҳоли бандлиги таъминланган. Эндиликда буни янада ошириш учун эҳтиёт ва бутловчи қисмларни кооперация асосида маҳаллаларда ишлаб чиқариш кенгайтирилади. Булоқбоши туманида керамик плита, Марҳамат ва Балиқчи туманларида чинни буюмлар корхоналари ташкил этилади.

Шунингдек, вилоятда ип-калавани қайта ишлаш даражаси 100 фоизга етказилади, 2024 йилда 150 миллион долларлик бўяш ва тайёр кийим ишлаб чиқариш лойиҳалари якунланиб, 6 мингта иш ўрни яратилади. Тўқимачилик корхоналарига Италиядан дизайнерлар олиб келинади. Бу эса маҳсулотларни сифатли ва халқаро стандартлар даражасида ишлаб чиқариш имконини беради.

Шу билан бирга, вилоятда мураккаб таркибли дори ва тиббий буюм ишлаб чиқариш бўйича 7 та лойиҳа амалга оширилади. Олий таълим муассасаси билан бирга фармацевтика кластери ташкил қилинади. Ушбу 7 та лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида нафақат янги иш ўринлари яратилади, аҳоли саломатлигини асраш, сифатли дори воситаларини ишлаб чиқариш борасида ҳам муайян натижаларга эришилади.

Вилоятда аҳоли бандлиги таъминлашдаги яна бир муҳим соҳа – бу қишлоқ хўжалиги йўналишидир. Сабаби вилоят деҳқонлари қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик йўналишида ҳам катта мактаб яратган. Галдаги вазифа етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш орқали аҳоли даромадини ошириш саналади. Бу жараёни “Асака текстиль” кластерининг тўқимачилик корхонаси мисолида ҳам



ITALY

# SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

кўриш мумкин. 2022 йил августда ишга туширилган корхона бугунги кунда 83 миллион долларлик лойиҳа эвазига хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ “занжир” асосида фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, кластер тизимида Андижон вилоятининг Улуғнор ва Жалақудуқ туманлари ҳамда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида 11 минг 200 гектар майдонда пахта етиштирилади. Шундан 2 700 гектарида томчилаб суғориш йўлга қўйилган. “Асака текстиль” кластерининг тўқимачилик корхонасига Швейцария, Италия, Туркия, Германия, Япониядан ускуналар келтириб ўрнатилган. У йилига 11 минг тонна ип-калава, 8 минг тонна момиқ ва трикотаж мато, 12 минг тонна ип ва матони бўйаш, 6 минг тонна тайёр трикотаж ва сочиқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими, корхонада 3 минг 200 киши бандлиги таъминланган.

Умуман олганда ташриф давомида энергетика, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, таълим ва инфратузилма каби муҳим соҳаларда бошланган ислохотларни изчил давом эттириш, муносиб меҳнат ҳақига эга бўлган иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга оид қатор вазифа ва режалар белгилаб берилди. Ушбу режаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мен каби барча андижонликларни қувонтириб, юртимиз тараққиёти йўлида бир жону, бир тан бўлиб ишлашга ундайди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 3 миллион 539 минг нафар аҳоли бўлиб, шундан меҳнатга лаёқатли аҳоли 1 миллион 826,8 минг нафарни ташкил этади. Иш билан банд аҳоли 1 миллион 220,9 минг нафарни, жумладан, расмий секторда бандлар 466,4 минг нафарни, норасмий секторда 586,9 минг нафарни, ишсизлар (битирувчиларни қўшиб ҳисоблаганда) 114,4 минг нафарни, ишсизлик даражаси 8,6 фоизни ташкил қилмоқда (йил бошида 9,3 фоиз). Бошқарма томонидан тақдим этилган рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йилда 440 минг нафар аҳолини доимий ва мавсумий ишларда бандлигини таъминлаш белгиланган бўлиб, амалда 474 минг 142 нафар аҳоли бандлиги таъминланган.

2024-йилда ҳам давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан, 524,6 минг нафар аҳолининг бандлигини таъминлаш, жумладан, 82,9 минг доимий, 368,1 минг мавсумий ва 73,7 минг нафар аҳолининг вақтинчалик ишларда бандлигини таъминлаш бўйича режалар белгилаб олинган. 2024 йил давомида туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка



кўмаклашиш марказлари томонидан 61,8 минг нафар иш билан банд бўлмаган шахсга бандлик хизматлари кўрсатилади. Бунинг учун бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда жамоат ишлар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 27 миллиард сўм маблағ молиялаштирилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 февралдаги ПҚ-69-сонли “Қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги ПҚ-66-сонли “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги ПФ-199-сонли “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
4. Алимов, Б. Б. (2023). ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ–БИЗНЕСНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИДИР. BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(2), 72-76.
5. Алимов, Б. (2023). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(8), 186-199.
6. Алимов, Б. Б. (2023). ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. Gospodarka i Innowacje., 38, 28-37.
7. Алимов, Б. Б. (2023). РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪСИРИДА СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ. Gospodarka i Innowacje., 37, 150-161.
8. Ганиходжаев, Б., Суюнов, Д., Кенжабаев, А., & Кувандиков, А. (2023). РАЗВИТИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЕЕ ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ. Экономика и бизнес: теория и практика, (3-1 (97)), 38-43.
9. Суюнов, Д., & Хошимов, Э. (2018). Методологические аспекты оценки эффективности корпоративного управления в акционерных обществах. Экономика и инновационные технологии, (2), 213-225.
10. Суюнов, Д. Х., & Хошимов, Э. А. (2018). Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик



# SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



жиҳатлари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон  
журнали, 2.

